

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи лавозимига саволлар

1. Меҳнат кодексида назарда тутилган ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини айтиб беринг.
2. Меҳнат кодексида назарда тутилган иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини айтиб беринг.
3. Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларнинг юзага келиш асосларини тушунтириб беринг.
4. Жамоа шартномаси ва уни тузиш тартиби ҳақида айтиб беринг.
5. Жамоа келишувларининг тушунчаси ва шакли ҳақида айтиб беринг.
6. Меҳнат шартномаси ва шартноманинг мазмуни ҳақида айтиб беринг.
7. Меҳнат шартномаси муддатлари ва уларни тузиш асослари ҳақида тушунтириб беринг.
8. Ишга қабул қилиш чоғидаги таништириш тартиб-таомили бўйича айтиб беринг.
9. Ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов ҳақида айтиб беринг.
10. Меҳнат шартномасини ўзгартириш асосларини тушунтириб беринг.
11. Ходимни бошқа ишга ўтказиш қай тартибда амалга оширилади?
12. Ходимни ишдан четлаштириш тартибини тушунтириб беринг.
13. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ва унинг асосларини тушунтириб беринг.
14. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш қай тартибда амалга оширилади?
15. Технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкилот (унинг алоҳида бўлини), якка тартибдаги тадбиркор ходимларининг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуқ кимларга берилади?
16. Меҳнат шартномасини тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра бекор қилиш асосларини айтиб беринг.
17. Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш тартибини тушунтириб беринг.
18. Ишдан бўшатиш нафақаси ва унинг миқдорлари ҳақида айтиб беринг.
19. Меҳнат шартномасини қонунга хилоф равишда бекор қилишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб беринг.
20. Ходимнинг шахсга доир маълумотларига нималар киради ва уларга ишлов бериш тартибини тушунтириб беринг.
21. Ходимларнинг шахсга доир маълумотларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни бериш тартиби қандай?
22. Иш вақти тушунчаси ва турларини айтиб беринг.
23. Тўлиқсиз иш вақти нима ва у кимларга белгиланиши мумкин?
24. Иш вақтидан ташқари иш ва унинг давомийлиги ҳақида айтиб беринг.
25. Иш вақти режими нима ва уни белгилаш тартиби қандай?
26. Мослашувчан иш режимини тушунтириб беринг.
27. Масофавий иш режимини тушунтириб беринг.
28. Дам олиш вақти тушунчаси ва турлари ҳақида айтиб ўтинг.

29. Ходимни дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб қилиш ва уни расмийлаштириш тартибини тушунтириб беринг.
30. Таътил турлари ва таътил олиш ҳуқуқини таъминлаш кафолатлар ҳақида айтиб беринг.
31. Ҳар йилги меҳнат таътили ва унинг турлари ҳақида тушунтириб беринг.
32. Ҳар йилги меҳнат таътилларининг давомийлиги қай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?
33. Ҳар йилги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш тартибини тушунтириб беринг.
34. Меҳнат таътилини бериш тартибини тушунтириб беринг.
35. Ҳар йилги меҳнат таътилини узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш қай тартибда амалга оширилади?
36. Ижтимоий таътиллар ва унинг турлари ҳақида тушунтириб беринг.
37. Иш ҳақи қисман сақланадиган ва сақланмайдиган таътиллар ҳақида айтиб беринг.
38. Рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар ҳақида айтиб беринг.
39. Ўртача иш ҳақи ва уни ҳисоблаб чиқариш тартибини тушунтириб беринг.
40. Дам олиш кунларида ёки ишланмайдиган байрам кунларида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ҳақида айтиб беринг.
41. Иш ҳақидан ушлаб қолиш асослари ва унинг миқдорлари ҳақида айтиб беринг.
42. Компенсация тўловлари ва унинг турлари ҳақида айтиб беринг.
43. Меҳнат интизоми тушунчаси ва уни таъминлаш усуллари бўйича тушунтириш беринг.
44. Хизмат текшируви нима ва уни ўтказиш асосларини айтиб беринг.
45. Хизмат текширувини ўтказувчи комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат.
46. Хизмат текширувини ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.
47. Интизомий жазо чоралари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириб беринг.
48. Иш берувчининг ходимга етказилган зиён учун моддий жавобгарлиги ҳақида айтиб ўтинг.
49. Ишни таълим билан бирга олиб боровчи ходимлар учун қандай кафолат ва компенсациялар белгиланган?
50. Меҳнат кодексига аёлларга берилган имтиёзлар ҳақида айтиб беринг.
51. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб ўтинг.
52. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб ўтинг.
53. Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб беринг.
54. Масофадан туриб ишловчи ходимнинг иш вақти қай тартибда белгиланади?
55. Меҳнат низоларининг турлари бўйича тушунтириш беринг.
56. Меҳнат низолари бўйича комиссияни тузиш тартиби ва комиссиянинг ваколатлари ҳақида айтиб беринг.
57. Жамоа шартномаси ҳақида айтиб беринг.
58. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар нималардан иборат?

59. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш бериш тартибини тушунтириб беринг.
60. Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши ҳақида айтиб беринг.
61. Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиш соҳаси ҳақида айтиб беринг.
62. Иш берувчи алоҳида асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилган ходимларни қайта ишга қабул қилиш тартибини тушунтириб беринг.
63. Ишдаги танаффуслар ҳамда дам олиш кунлари ҳақида тушунтириб беринг.
64. Масофадан туриб ишловчи ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш, ушбу ходимнинг иш берувчи билан ҳамкорлигини тушунтириб беринг.
65. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда нимани тушунасиз? Унинг қандай турлари бор?
66. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинган ва унинг олдинги Конституциядан фарқлари нимада?
67. Конституцияда Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб белгиланган. Бу модданинг мазмунини тушунтириб беринг.
68. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизимини тушунтириб беринг.
69. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида меҳнатга оид қандай нормалар белгиланган?
70. Сайлов тизимини тушунтириб беринг.
71. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай ваколатларга эга?
72. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини айтиб беринг.
73. Референдум нима ва у қандай ҳолатларда ўтказилади?
74. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ҳақида айтиб беринг.
75. Меҳнат соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатлари учун қандай жавобгарлик белгиланган?
76. “Ўзбекистон— 2030” стратегиясида халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш соҳасида қандай устувор мақсадлар белгиланган.
77. Вакант лавозимлар учун танловларни ташкил этиш ва ўтказиш муддатларини айтиб беринг.
78. Hrm.argos.uz электрон платформасидан рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш тартиби ҳақида айтиб беринг.
79. Hrm.argos.uz электрон платформасида таркибий тузилма, штатлар ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва таҳрир қилиш тартибини тушунтириб беринг.
80. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг ҳуқуқлари, мажбурияти ва жавобгарлиги нималардан иборат?
81. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш қай тартибда амалга оширилади?
82. Бир неча касбда ишлаш тартиби ҳақида айтиб беринг.
83. Ўриндошлик асосида ишлаш деганда нимани тушунасиз? Ўриндошлик асосида ишлаш ҳисобланмайдиган ишларни санаб беринг.
84. Компаенс-назорат тизими нима?

85. Садоқат деганда нимани тушунаси?

86. Кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишидаги кейинги
3 йиллик учун режаларингиз ҳақида айтиб беринг.